# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2016 йил 3 июнь, № 108 (6543) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА БЕШ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Шу кунларда халқимиз Ватанимизнинг кўп асрлик шонли тарихида мутлақо янги давлат, янги жамият барпо этиш йўлини очиб берган буюк тарихий воқеа — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллигини муносиб кутиб олиш ва тантанали равишда нишонлаш учун ҳар томонлама қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

Биз учун ҳақиқатан ҳам энг улуғ, энг азиз айём бўлган бу қутлуғ сана ўтган тарихан қисқа даврда босиб ўтган ғоят оғир ва мураккаб, шу билан бирга, шарафли йўлимизни, амалга оширган кенг кўламли ислоҳотларимиз самарасини, қўлга киритган улкан марра ва ютуқларимизни танқидий кўз билан сарҳисоб қилиш, олдимизга қўйган олий мақсад — энг тараққий топган давлатлар қаторига кириш борасидаги устувор вазифаларни белгилаб олишда, ҳеч шубҳасиз, муҳим аҳамият касб этади.

Биз бундан 25 йил олдин ўз мустақиллигимизни қўлга киритиб, аввало миллий давлатчилигимизни тиклаганимиз, жаҳондаги мустақил ва суверен давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаганимиз, ўзини оқламаган эски, мустабид тузумдан бутунлай воз кечиб, чуқур ўйланган, миллий манфаатларимизга тўла жавоб берадиган ислоҳотларга асосланган, бутун дунёда "ўзбек модели" деган ном билан тан олинган тараққиёт стратегиясини амалга оширганимиз бугунги кунда биз танлаган, ўзимизга хос ва ўзимизга мос ривожланиш йўлининг нақадар тўғри ва ҳаётий эканини тасдиқлаб бермоқда.

Бунинг амалий исботини мамлакатимизнинг қудрати ва иқтисодий салоҳияти тобора ортиб, ялпи ички маҳсулотимизнинг ўсиш суръатлари охирги 11 йил давомида жаҳондаги саноқли давлатлар қаторида 8 фоиздан кам бўлмасдан келаётганида, аҳолимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати юксалиб бораётганида яққол кўриш мумкин.

Кўпни кўрган, меҳнаткаш ва олижаноб халқимизнинг мардлиги ва матонати эвазига эришаётган бундай марра ва натижалар Ватанимизнинг обрўсини янада юксалтириб, кўпчилик мамлакатларни қойил қолдираётгани ва уларнинг ҳавасини уйғотаётганини кузатиш қийин эмас.

Олдин тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган бундай оламшумул натижаларнинг асосий омилини аввалambor тараққиёт йўлимизда тўсиқ бўлган турли қийинчилик, етишмовчилик, оғир ва машаққатли синовларни енгиб ўтишда одамларимиз, бутун халқимизнинг дунёқараши, меҳнатга, ҳаётга муносабати ўзгариб, уларнинг сиёсий онги, ижтимоий фаоллиги, ён-атрофдаги воқеаларга дахлдорлик ҳисси тобора кучайиб бораётганида кўриш даркор.

Энг муҳими, эртанги кунимизнинг таянчи ва суянчи бўлмиш ёш авлодимизнинг янгича, мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, шу юртнинг ҳақиқий эгаси, Ватанимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир инсонлар бўлиб вояга етаётганини алоҳида таъкидлаш зарур. Айни шундай ёшларни, айтиш мумкинки, ҳал қилувчи куч сифатида тайёрлашни ўзимизнинг устувор вазифамиз деб кун тартибига қўйганимиз вақт ўтиши билан нақадар узоқни кўзлаган тарихий қадам бўлгани тобора аён бўлмоқда.

Мамлакатимиз тарихида янги саҳифа очган Ўзбекистонимиз мустақиллигининг 25 йиллигини муносиб кутиб олиш, ўтган давр мобайнида она-юртимиз, барча вилоят, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тобора очилиб, гўзал бўлиб бораётганини, шу заминда яшаётган инсонларнинг кайфияти, бугунги ҳаётдан розилигини, эртанги кунга ишончини, барча соҳаларда амалга ошираётган кенг кўламли ишларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини юртимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказиш, ватандошларимизни янги марралар сари руҳлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика комиссияси бир ҳафта муддатда **"Гўзал ва бетакрорсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!"** деган бош ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқсин.

3. Мазкур дастурни тайёрлашда қуйидаги устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш тавсия этилсин:

мустақиллик ҳаётимизнинг маъно-мазмунини тубдан ўзгартириб, халқимизни қарамлик кишанларидан озод қилгани, топталган қадриятларимиз, дину диёнатимиз, ору номусимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, фаровон ҳаёт ва ёруғ келажагимизни ўз қўлимиз билан қуриш йўлида беқиёс имкониятлар очиб берганини кенг ёритиш;

мамлакатимиз суверенитетининг иқтисодий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган энг муҳим стратегик дастурлар, жумладан, Ўзбекистоннинг ғалла мустақиллиги, ёқилғи-энергетика, транспорт-коммуникация соҳасидаги мустақиллигини таъминлаш, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, замонавий корхоналар барпо этиш ва уларни илғор техника ва технологиялар билан жиҳозлаш борасидаги улкан ишларнинг маъно-мазмунини аниқ мисоллар орқали кўрсатиб бериш;

юртимизнинг илгариги қолоқ, иқтисодиёти бир ёқлама ривожланган, пахта яккаҳокимлиги ҳалокатли даражада авж олган аграр ўлкадан бугунги кунда изчил тараққий этиб бораётган замонавий индустриал мамлакатга айланганини чуқур таҳлилий асосда талқин қилиш. Бу борада иқтисодиётда саноатнинг улуши 34 фоизга етгани, экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улуши 70 фоиздан зиёдни ташкил этаётгани кўп нарсадан далолат беради. Бугунги кунда иқтисодиётимизда етакчи ўринни эгаллаб келаётган нефть ва газ кимёси, нефть-газ машинасозлиги, автомобилсозлик, замонавий қурилиш материаллари саноати, темир йўл машинасозлиги, маиший электроника, фармацевтика, юқори технологияларга асосланган озиқ-овқат ва тўқимачилик саноати каби соҳа ва тармоқларнинг жадал ривожланаётгани билан боғлиқ факт ва рақамларга алоҳида урғу бериш;

мустақиллик йилларида иқтисодиётимиз қарийб 6 баробар, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 12 баробардан зиёд ошгани, олтин-валюта захираларимиз барқарор суръатлар билан кўпайиб бораётгани мисолида кенг кўламли иқтисодий ислоҳотларимизнинг амалий самарасини кўрсатиш;

олдимизга қўйган юксак марраларга эришиш йўлида мамлакатимизнинг халқаро майдонда рақобатдошлигини ошириш, иқтисодиётимизни янада модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобидан тараққиётимизнинг локомотиви бўлган етакчи тармоқларни жадал ривожлантириш, иқтисодиётимизда давлат иштирокини босқичма-босқич камайтириб бориш, Конституциямизда кўзда тутилган хусусий мулкнинг устуворлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг самарасини янада кучайтириш каби ўта муҳим йўналишларнинг аҳамиятини жамоатчилигимизга, халқимизга содда ва таъсирчан усулларда етказиш. Жумладан, 2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот ҳажмини икки баробардан зиёд кўпайтириш, иқтисодиётимиз таркибида саноатнинг улушини 40 фоизга етказиш бўйича белгилаб олинган аниқ режа ва дастурларни амалга ошириш учун, ҳали-бери давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирларига қарамасдан, қатъият билан илгарилаб боришимизга асос бўлаётган мезон ва омилларнинг моҳиятини очиб бериш;

қишлоқ хўжалиги соҳасида мутлақо янги иқтисодий муносабатлар жорий этилиб, фермерлик ҳаракати учун катта имкониятлар яратилгани, ҳозирги кунда фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 90 — 92 фоизини етказиб бериш билан бирга, қишлоқ тараққиётида ҳал қилувчи ижтимоий-сиёсий ҳаракатга ва етакчи кучга айланиб бораётганини кенг ёритиш;

юртимиз аҳолисининг асосий озиқ-овқат товарлари, аввало дон, картошка, гўшт, сут ва қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи 1990 йилда импорт ҳисобидан қопланган бўлса, ҳозирги вақтда уларнинг 96 фоизи мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётганини;

ўтган давр мобайнида аҳоли жон бошига гўшт истеъмоли 1,4 баробар, сут ва сут маҳсулотлари — 1,5 карра, картошка — 1,9 марта, сабзавот — 2,6 баробардан ортиқ, мева 6,3 марта кўпайгани ва бошқа ҳаётий мисолларни мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг мустаҳкам пойдевори сифатида акс эттириш;

мустақилликка қадар юртимизда умуман мавжуд бўлмаган, бугунги кунда эса жамиятимизнинг қудратли таянчига айланиб бораётган ўрта синф — мулкдорлар синфининг жадал ривожланиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 56,5 фоизга етгани, айни шу тармоқда иш билан банд аҳолининг 77,9 фоизи меҳнат қилиб, мамлакатимиз равнақига муносиб ҳисса қўшаётганини таҳлилий асосда кўрсатиш;

жамиятимиз ҳаётини бутунлай ўзгартирган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш ва бошқа умуммиллий дастурларимизни амалга ошириш натижасида мамлакатимизда ўн икки йиллик мажбурий ва бепул, умумий ва ўрта махсус таълим тизимига, икки босқичли олий таълим тизимига асос солиниб, замонавий янги авлод кадрларини тарбиялаш учун мустаҳкам пойдевор яратилгани Ўзбекистонимизнинг жаҳон майдонида рақобатдошлигини таъминлашнинг ишончли замини бўлиб хизмат қилаётганини теран ифода этиш;

биз учун ўта муҳим бўлган соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларини ривожлантириш, кекса авлод вакиллари, хотин-қизлар ва ёшларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш учун амалга оширилаётган улкан ишларга алоҳида аҳамият бериш. Жумладан, давлат бюджетимизнинг социал соҳаларга йўналтирилган йиллик харажатлари изчил ошиб бораётганини, биргина 2015 йилда ушбу рақам 60 фоиздан ортганини бу борадаги кенг кўламли ислоҳотларнинг мантиқий натижаси сифатида кўрсатиш;

ёш авлодимизни соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялаш мақсадида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг моҳиятини, хусусан, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан барча вилоят, шаҳар ва туманларимизда 300 га яқин мусиқа ва санъат мактаблари, 1 минг 900 дан зиёд спорт иншоотлари бунёд этилгани, сўнгги ўн йилда болалар ва ўсмирлар ўртасида спорт билан мунтазам шуғулланиш даражаси 30 фоиздан 57 фоизга, қизлар ўртасида 24 фоиздан 47 фоизга етгани ва бошқа мисоллар асосида ана шундай амалий ишларимизнинг аҳамиятини атрофлича ёритиб бериш;

юртимиз мустақиллиги, унинг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигининг ишончли кафолати бўлган Қуролли Кучларни ислоҳ қилиш ва миллий армиямизнинг салоҳиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган, кўлами ва миқёсига кўра улкан ўзгаришлар бўйича кенг тушунтириш ишларини олиб бориш;

бугун биз бошимиздан кечираётган ўта таҳликали замонда, ён-атрофимизда турли таҳдид ва хатарлар кучайиб бораётган бир шароитда энг катта ва бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик ва осойишталикни кўз қорачиғидек асраш, миллатлар ва фуқаролараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб, тинчлик учун курашиб яшаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини чуқур очиб бериш;

Ўзбекистоннинг халқаро майдонда олиб бораётган, яқин ва узоқ қўшни мамлакатлар билан дўстона алоқалар, ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга қаратилган ташқи сиёсатини, дунёнинг турли минтақаларида юз бераётган қарама-қаршилик ва тўқнашувларни фақатгина сиёсий музокаралар, тинчлик йўли билан ҳал этиш ҳақидаги ёндашув ва қарашларининг мазмун-моҳиятини атрофлича ёритиш. Хусусан, мамлакатимизнинг ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмаслиги, юртимиз ҳудудида чет давлатларнинг ҳарбий базалари жойлаштирилишига, ҳарбийларимизнинг хорижий мамлакатлардаги жанговар операцияларда қатнашишига йўл қўймаслик бўйича қонуний асосда белгилаб олинган қатъий позициясини кенг жамоатчиликка етказиш.

4. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссияси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида Мустақиллик байрамига бағишлаб аҳолининг кенг қатламлари ўртасида учрашув ва суҳбатлар, адабий-бадиий кечалар, маданий тадбирлар ўтказиш мақсадида таниқли олимлар, адиблар ва санъаткорлардан иборат маънавий-маърифий тарғибот гуруҳлари ташкил этилсин ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият олиб бориши таъминлансин.

5. Байрам тантаналари арафасида фойдаланишга топшириладиган ишлаб чиқариш, ижтимоий-маданий объектларни ўз вақтида ишга тушириш чоралари кўрилсин.

6. Республика комиссияси ўз йиғилишларида белгиланган чора-тадбирлар марказда ва жойларда қандай амалга оширилаётгани юзасидан ҳар бир ҳудуд, вазирлик ва идора раҳбарлари ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борсин.

7. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, "Ўзбеккино" Миллий агентлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, "Тасвирий ойина", Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари, Бадиий академия ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда "Истиқлол фарзандлари" ва "Келажак бизники, марра бизники!" деб номланган ёшлар фестивалларини, "Ўзбекистон — умумий уйимиз" республика дўстлик ва маданият фестивалини, "Миллий ғоя — бизнинг ғоя" илмий-амалий анжуманини, шунингдек, юртимиз мустақиллигини тараннум этадиган энг яхши қўшиқ ва мусиқа асарлари учун "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика танловининг якуний босқичини ҳамда "Энг улуғ, энг азиз", "Ватан учун яшайлик!", "Ранглар жилосида — она диёр мадҳи", "Сени куйлаймиз, замондош!", "Истиқлол солномаси", "Бу — менинг Ватаним" каби анъанавий кўрик-танловларнинг юқори даражада ўтказилишини таъминласин.

8. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда хайрия маблағлари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

9. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Жаҳон" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мустақилликнинг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2016 йил 2 июнь




## Саҳро бағридаги мўъжиза



*Президентимизнинг "Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир" китобида "...Қорақалпоғистон аграр республикадан мамлакатимизнинг энг замонавий технологияларга эга бўлган, саноати ривожланган минтақасига айланади", деган сўзининг исботи бугунги кунда Оролбўйида юз бераётган ижобий ўзгаришлар мисолида яққол тасдиғини топмоқда.*

Дарҳақиқат, яқин-яқингача мана шу бепоён кенгликларда замонавий ишлаб чиқариш субъектлари гуркураб ишлайди, деса, ҳеч ким ишонмасди. Ваҳолонки, асрлар давомида инсон оёғи етмаган саҳрода бугун ҳаёт қайнаяпти. Устюрт бағридаги бойликлар йирик мажмуаларда қимматбаҳо маҳсулотларга айланаётир.

Дунё бозорида харидоргир бўлган кальцийлаштирилган сода ишлаб чиқарилаётган Қўнғирот сода заводи бу ерда бунёд этилган дастлабки саноат корхонаси бўлса, яқинда фойдаланишга топширилган Устюрт газ-кимё мажмуаси ҳудуддаги иккинчи йирик корхонадир.

Жаҳондаги нуфузли ташкилот ва муассасалар, мутахассис ҳамда экспертлар, оммавий ахборот воситалари эътирофлари ҳам буни исботлайди. Хусусан, "Project Finance International" халқаро нашри мазкур мажмуани қуришга доир лойиҳавий молиялаш битимини нефть-кимё ва газ-кимё секторидаги 2012 йилнинг энг яхши лойиҳаси, деб баҳолади. "Trade Finance magazine" ҳамда "Global Trade Review" нашрлари уни "2012 йилнинг энг яхши битими", "Infrastructure Journal" эса "Нефть-газ соҳасидаги 2014 йилнинг глобал битими" халқаро мукофотларига лойиқ, деб топди. Албатта, буларнинг барчаси қалбимизда чексиз ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотади.

(Давоми 2-бетда).

### МАҲАЛЛА — ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ

Айни кунларда республикамизнинг барча туман ва шаҳарларида фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда уларнинг маслаҳатчилари сайлови қизғин давом этмоқда. Эътиборлиси, сайлов бўлиб ўтган маҳаллаларда фуқаролар йиғинлари органларини шакллантириш ишлари изчиллик билан бошлаб юборилди. Зеро, келгусида фуқаролар йиғинлари ишини самарали ташкил қилиш кўп жиҳатдан мазкур органлар фаолиятига бевосита боғлиқ.

## Фуқаролар йиғинларида жамоатчилик комиссияларини шакллантириш — масъулиятли жараён

Юртимизнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби **Наманган вилояти**да ҳам фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови юқори даражада ўтмоқда. Ҳозирги кунгача ҳудуддаги мавжуд 882 та фуқаролар йиғинидан 642 тасида ушбу тадбир демократик тамойилларга мос равишда ташкил этилиб, ишчи гуруҳлар томонидан таклиф қилинган муносиб номзодлар орасидан йиғин раислари ҳамда уларнинг 6049 нафар маслаҳатчиси сайланди. Сайлов ўтказилган жойларда эса фуқаролар йиғини кенгаши, жамоатчилик комиссиялари ва тафтиш комиссиялари тузилиб, улар таркиби тасдиқланмоқда.

— Сайловлар очиқ-ошкоралик ҳамда холислик шароитида ўтказилди, — дейди Наманган туманидаги "Кичик Тошбулоқ" маҳалла фуқаролар йиғини раиси маслаҳатчиси Мунаввар Юнусова. — Энди билдирилган ишончни оқлашимиз керак. Шундан келиб чиқиб, олдимизда турган вазифаларни белгилаб олдик. Улар ижросини таъминлаш учун кўпчилик ўртасида обрў-эътибор қозонган, ҳаётий тажрибага эга 13 нафар фуқародан иборат фуқаролар йиғини кенгаши тузилди. Йиғин фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича 8 та жамоатчилик комиссияси ва уларнинг аъзолари тасдиқланди. Молиявий ишларни назорат қиладиган тафтиш комиссиясининг янги таркиби ҳам шакллантирилди.

(Давоми 2-бетда).

## ПИЛЛАЧИЛАРИМИЗНИНГ УЛКАН ЗАФАРИ

Ўзбекистон пиллачилари 26,2 минг тоннадан зиёд пилла тайёрлаб, йиллик шартнома мажбуриятини бажарди.

Пиллачиларимизнинг азму шижоати ва фидокорона меҳнати натижасида уйилган бу хирмон Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига муносиб туҳфа бўлди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасида пиллачиликда ҳам юксак самараларга эришилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 15 ноябрдаги "Республика пиллачилик тармоғини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бунда муҳим дастуриламал бўлаётир.

(Давоми 2-бетда).

# Фуқаролар йиғинларида жамоатчилик комиссияларини шакллантириш — масъулиятли жараён

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзим фуқаролар йиғини қошидаги Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссияга раис этиб сайландим. Унинг зиммасига оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, хотин-қизлар ижтимоий фаоллигини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш сингари долзарб вазифалар юклатилган бўлиб, бу борада комиссиянинг зиёли, ташаббускор аёллар ҳамда фаол ёшлардан иборат 9 нафар аъзоси чинакам кўмакчи бўладилар.

Умуман, янги таркиб билан икки ярим йил давомида ҳудудда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётда, оилада маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришдаги ўрнини ошириш ҳамда бошқа устувор масалаларга алоҳида эътибор қаратамиз.

**Қорақалпоғистон Республикаси**да бўлиб ўтаётган фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловида ҳам юртдошларимизнинг фаоллиги кўзга яққол ташланмоқда. Айни пайтгача ҳудуддаги 350 та фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари раислари ҳамда уларнинг 3614 нафар маслаҳатчиси сайланди.

Ана шундай сайловлардан бири Чимбой туманидаги "Қамишариқ" овул фуқаролар йиғинида бўлиб ўтди. Сайловга кўмаклашувчи ишчи гуруҳ раҳбари К. Мирзамбетов бошқарган тадбирда кўп овоз тўплаган номзод фуқаролар йиғини раиси этиб сайланди. Шунингдек, унинг маслаҳатчилари ҳам танлаб олинди.

— Ҳудудимизда 6317 нафар аҳоли яшайди, — дейди ушбу фуқаролар йиғини раисининг маслаҳатчиси Дилбар Шатаева. — Бу ерда ўттизга яқин фермер хўжалиги фаолият юритмоқда. Тўртта мактаб, битта болалар боғчаси, иккита қишлоқ врачлик пункти аҳоли хизматида.

Яқинда бўлиб ўтган вакиллар йиғилишида фуқаролар йиғини кенгаши тузилди. Йиғин фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича жамоатчилик комиссиялари ҳамда тафтиш комиссиясининг янги таркиби шакллантирилди. Улар йиғин ҳудудида миллий қадриятларни сақлаш ва ривожлантириш, ёшлар тарбияси, овулни обод қилиш ҳамда кўкаламзорлаштириш, аҳоли ўртасида тотувликни сақлаш, томорқалардан самарали фойдаланиш, ёлғиз қариялар, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш сингари ишларга зўр ғайрат билан киришдилар. Барчамиз бамаслаҳат ҳаракат қилсак, албатта, ушбу вазифаларни ҳам уддалаймиз.

**Сирдарё вилояти**даги 210 та фуқаролар йиғинида сайлов юқори савияда ўтказилди. Барчасида ушбу муҳим тадбир ошкоралик, муқобиллик ва тенглик тамойиллари асосида ташкил этилди. Айни чоғда фуқаролар йиғинларида фуқаролар йиғини органларини ташкил қилиш жараёнлари давом этмоқда.

— Аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозонган, ташаббускорлик фазилатларига эга, фидойи маҳалладошларимиздан бир гуруҳини кенгаш ҳамда комиссиялар аъзолигига сайладик, — дейди Ховос туманидаги "Қорақум" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Равшаной Қорёғдиева. — Ўзим эса Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссияга аъзо бўлдим. Комиссиямиз аъзолари билан биргаликда опа-сингилларимизнинг бандлигини таминлаш, ижтимоий фаоллигини ошириш каби вазифаларни ўзимиз учун белгилаб олдик. Шунингдек, маҳалламиз қизларини ҳар жиҳатдан баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш борасида таълим муассасалари ҳамда ота-оналар билан ҳамкорликни янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқчимиз.

— Маҳалла фаолияти самарадорлигини оширишда фуқаролар йиғинлари кенгашлари, жамоатчилик ва тафтиш комиссияларининг аҳамияти катта, — дейди фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи Сирдарё вилояти комиссияси раиси Камолиддин Оқбўтаев. — Шу боис сайлов бўлиб ўтган маҳаллаларда йиғин органларини шакллантиришга катта масъулият билан ёндашилмоқда.

**Навоий вилояти** бўйича 343 нафар фуқаролар йиғини раиси ҳамда уларнинг 3 минг 700 га яқин маслаҳатчиларини сайлаш режалаштирилган бўлиб, ҳозиргача 294 нафар раис ва 3 минг нафарга яқин маслаҳатчи сайланди.

Навоий шаҳридаги Баҳор маҳалласида бўлиб ўтган сайловда кўпчилик вакиллар ўзлари ишонган номзодларга овоз берди. Пировардида раис ҳамда унинг 9 нафар маслаҳатчиси сайланди. Эътиборлиси, янги таркиб ўз фаолиятини бошлаб юборди. Аввало, фуқаролар йиғини кенгаши, йиғин фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича жамоатчилик комиссиялари, шунингдек, фаол, ташаббускор фуқаролардан иборат тафтиш комиссияси тузилди. Айни чоғда улар ҳудудни ободонлаштириш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, ёшларни турли зарарли иллатлар таъсиридан ҳимоя қилиш ва бошқа кўплаб масалаларни баҳамжиҳат ҳал этмоқдалар.

— Барчамизга маълумки, фуқаролар йиғини органлари — кенгаш, жамоатчилик комиссиялари ҳамда тафтиш комиссияси маҳалланинг қаноти ва суянчи ҳисобланади, — дейди мазкур маҳалла фуқаролар йиғини раисининг маслаҳатчиси Ҳасан Маҳмудов. — Шундан келиб чиқиб, ушбу тузилмаларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Яъни улар таркибига аҳоли ўртасида ҳурматга сазовор бўлган, тажрибали, айни чоғда ташаббускор инсонлар жалб қилинди. Бу, албатта, ҳудудимизда маҳаллий аҳамиятга эга масалаларни ҳал этишда ўз самарасини беради.

Мен Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссияга раис этиб сайландим. Унинг масъулияти эса ниҳоятда катта. Зеро, ёшларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш, жисмоний тарбия ҳамда спортга кенг жалб қилиш, улар орасида ҳуқуқбузарлик ҳолатлари рўй беришининг олдини олиш муҳим масала. Шу маънода, маҳалламиз ёшларини ҳудудимиздаги турли фан ва спорт тўгаракларига қамраб олиш айни муддао, деб биламан. Сафдошларимиз қўллаб-қувватлаши билан буларни, албатта, рўёбга чиқарамиз.

Умуман, мамлакатимизнинг барча ҳудудида фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда уларнинг маслаҳатчилари сайлови демократик тамойиллар асосида ўтказилмоқда. Сайлов бўлиб ўтган жойларда эса фуқаролар йиғинлари органларини шакллантириш ишлари изчил давом этмоқда. Зеро, маҳалланинг истиқболи, таъбир жоиз бўлса, ривожи кўп жиҳатдан янги сайланган раис ва унинг маслаҳатчилари билан бирга, сайлов натижалари бўйича шакллантириладиган фуқаролар йиғини кенгаши, фаолият йўналишлари бўйича комиссиялар ҳамда тафтиш комиссиялари таркибига киритилаётган фуқаролар салоҳияти ва ташаббускорлигига бевосита боғлиқ.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

## ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ



# Экотуризм салоҳияти юксалмоқда

Маълумки, мамлакатимиз ҳудудида турли давр ва цивилизацияларга дахлдор 4 мингдан ортиқ қадимий меъморчилик ҳамда санъат ёдгорликлари мавжуд. Энг муҳими, уларнинг 140 таси ЮНЕСКО томонидан муҳофазага олинган тарихий объектлар рўйхатига киритилган.

Ана шу маданий-тарихий меросимиз, мангуликка дахлдор кўҳна шаҳарларимиздаги ноёб меъморий обидалар, шунингдек, ҳудудларимизда йилдан-йилга такомиллашиб бораётган замонавий инфратузилма Ўзбекистоннинг халқаро сайёҳлик бозоридаги ўрни ва нуфузи тобора юксалишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бу Самарқанд шаҳрида ўтказилган БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессиясида хорижлик мутахассислар томонидан ҳам эътироф этилган эди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан ўтказилган "Экотуризмни ривожлантиришнинг муҳим омиллари: муаммо ва ечимлар" мавзуидаги давра суҳбатида шу хусусида атрофлича сўз юритилди.

Парламентнинг қуйи палатаси аъзолари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, "Ўзбектуризм" Миллий компанияси, Ўзбекистон экологик ҳаракати мутасаддилари ҳамда экспертлари иштирок этган тадбирда таъкидланганидек, Ўзбекистоннинг дунё туристик бозоридаги ўрнини мустаҳкамлашда Президентимиз ташаббуси билан туризмни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунга мос равишда, кўп минг йиллик бой, бебаҳо тарихий, маданий ва маънавий меросимизни жаҳон ҳамжамиятига таништириш ҳамда сайёҳларга хизмат кўрсатиш сифатини халқаро стандартлар даражасида ташкил қилишга қаратилган тизимли ва мақсадли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Айни чоғда экотуризмни тараққий топтиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар амалга оширилаётир. Пировардида эса бугун юртимизда халқаро ва ички сайёҳлик йўналишлари билан бирга, экологик сайёҳлик объектлари ҳам очилмоқда. Мамлакатимизда экология соҳасида қўриқланадиган ерлар умумий майдони 2 миллион гектарни ташкил этади, шунингдек, 11 қўриқланадиган табиий ҳудудий объект, 8 та қўриқхона, 400 дан ортиқ табиат ёдгорликлари давлат рўйхатидан ўтказилди.

Тадбирда ушбу соҳанинг ҳуқуқий базаси такомиллаштириб борилаётгани, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг "Туризм тўғрисида"ги Қонуни асосида бир қатор қонуности ҳужжатлари қабул қилингани қайд этилди.

Бугунги кунда экотуризм соҳаси "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида", "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида", "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида", "Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги қонунлар билан ҳам тартибга солиб келинмоқда.

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар экотуризмнинг инфратузилмасини янада ривожлантириш, миллий сайёҳлик хизматларини халқаро бозорга таклиф этиш, замонавий хизмат кўрсатиш, экотуризм йўналишлари ҳамда объектларини барпо қилиш имкониятларини кенгайтирмоқда.

— Мамлакатимизда туризм изчил ривожланмоқда, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Қ. Жуманиёзов. — Шунга мос равишда қулай экологик мувозанатни сақлаш, сайёҳликнинг янги турлари, жумладан, экотуризм, геотуризм, тиббий ва маданий сайёҳлик, альпинизм, рафтинг ҳамда балиқ ови йўналишларини ҳаётга кенг татбиқ этиш, қадимги ёдгорликлар ва ажойиб табиат манзараларини асл ҳолида сақлаш, туристик объектларни қуриш ҳамда таъмирлаш, сайёҳлик бозорида кенг кўламли тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, экотуризм учун жуда муҳим бўлган камёб ҳайвонлар эркинликда яшаши учун муносиб инфратузилма яратиш, йўқолиб бораётган ноёб ҳайвонот ва наботот оламини сақлаш ҳамда кўпайтириш мақсадида қўриқхоналар таркибида жаҳон талабларига жавоб берадиган миллий табиий боғларни яратиш, экотуристик бизнесни шакллантириш ҳозирги пайтда долзарб ҳисобланади. Бу биз, депутатлардан соҳа қонунчилигини янада такомиллаштиришни ҳамда самарали парламент ва депутатлик назоратини йўлга қўйишни тақозо этади.

Қатнашчилар томонидан экологик туризмни янада ривожлантириш йўллари ҳамда бу борадаги мавжуд имкониятлар атрофлича таҳлил қилинди. Айни чоғда соҳадаги ўз ечимини кутаётган масалалар юзасидан таклиф ва тавсиялар берилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ПИЛЛАЧИЛАРИМИЗНИНГ УЛКАН ЗАФАРИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан маълум қилишларича, жорий йилда пиллачиларимиз "Ипакчи-1", "Ипакчи-2", "Ўзбекистон-5", "Ўзбекистон-6" каби серҳосил, иқлим шароитимизга мос, касалликларга чидамли маҳаллий навлардан ипак қурти парваришлаб, ҳар қутидан ўртача 58,2 килограммдан ҳосил олди.



Самарқанд, Сурхондарё, Бухоро, Навоий, Сирдарё, Қашқадарё, Фарғона вилоятлари пиллачилари биринчилар қаторида шартнома режасини бажарди. Жондор, Нарпай, Бешариқ, Боёвут, Жарқўрғон, Касби, Қизилтепа, Чуст, Қўрғонтепа туманларида ҳар қути ипак қуртидан 60 — 68 килограммдан ҳосил олишга эришилди.

Уйчи туманидаги "Усмонжон домла" фермер хўжалигида ҳар қути уруғдан 78, Жондор туманидаги "Золинлик маржон Мақсуд" фермер хўжалигида 75, Юқори Чирчиқ туманидаги "Ҳамиджон Мирзаодил" фермер хўжалигида 72, Дўстлик туманидаги "Эшбек ота" фермер хўжалигида 70, Жалақудуқ туманидаги "Вафо маликаси" фермер хўжалигида 69, Тўрткўл туманидаги "Қувондиқ Ихтиёр" фермер хўжалигида 66 килограммгача сифатли "кумуш тола" олинди.

Пиллачиларимизнинг бу улкан муваффақиятида давлатимиз раҳбари томонидан янги навлар яратиш ҳамда ипак толасининг сифатини халқаро стандартлар даражасига кўтариш, уни қайта ишлаш жараёнини ислоҳ қилиш устувор вазифа этиб белгилангани муҳим аҳамият касб этди.

Шу билан бирга, фермерларни моддий рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилгани самарадорликнинг муҳим омили бўлди. Хусусан, пилланинг харид нархи ўртача 11 фоиз оширилиб, ҳосил қийматининг 43 фоизи миқдоридаги маблағ мавсум бошиданоқ бўнак сифатида берилди.

— Ҳосилни етиштиришда фермерларга жойлардаги ҳокимият вакиллари, маҳалла фуқаролар йиғинлари яқиндан ёрдам кўрсатди, — дейди Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг пиллачиликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Қаҳҳор Ёвқочдиев. — Эътиборлиси, фермерлар пиллани қайта ишловчи йирик корхоналар билан тўғридан-тўғри шартнома тузди. Унга кўра, корхона мавсум давомида керак бўладиган барча жиҳозни етказиб берди. Натижада юқори сифатли хом ашё етиштирилди. Зеро, миллий бойликларимиздан бири бўлган пилла саноатимизни изчил ривожлантиришда алоҳида ўрин тутади. Бир тонна пилладан 350 килограмм ипак, 20 минг метр адрас, 13 минг метр атлас ва бошқа маҳсулотлар олиш мумкинлигини назарда тутсак, пиллачиларимиз эришган ютуқдан кўнглимиз фахру ғурурга тўлади.

Тармоқни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор самарасида Сурхондарё вилояти пиллачилари биринчилардан бўлиб "кумуш тола" олди. Вилоятда ҳосилдорликни ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш мақсадида туманлардаги пилла қабул қилиш корхоналари мавсумга пухта ҳозирланди.

— Пиллачиларимиз 1 минг 553 тонна пилла етиштиришга бел боғлаганди, — дейди вилоятдаги "Интерсилк про" пиллани қайта ишлаш корхонаси раҳбари Олимжон Жумаев. — Ҳосилнинг асосий қисми Жарқўрғон, Қумқўрғон, Термиз туманлари ҳиссасига тўғри келаётир. Корхонамизда хом ашёдан сифатли ипак тайёрлаб, экспортни йўлга қўйдик. Ипакдан атлас ишлаб чиқаришни мўлжаллаётирмиз.

Кейинги йилларда мавжуд тутзорлар майдонининг кенгайиши, озуқа базаси мустаҳкамлангани, мавсумга малакали мутахассислар жалб қилиниб, пиллачилар учун зарур моддий-техника ресурслари ўз вақтида тўлиқ етказиб берилгани соҳадаги ютуқларда катта аҳамият касб этмоқда.

Айни пайтда пилла қабул қилиш пунктларида иш қизғин. Бинобарин, кейинги йилги мавсумга тайёргарлик кўриш, тутзорларга ишлов бериш, уларни зараркунандалардан асраш каби юмушлар олиб борилмоқда.

**ЎзА.**





# Саҳро бағридаги мўъжиза

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қиймати қарийб 4 миллиард АҚШ доллари бўлган мажмуа ишга туширилиши билан бепоён кенгликларда йилига 4,5 миллиард куб метр табиий газни қайта ишлаш ҳисобига 3,7 миллиард куб метр газ, 387 минг тонна полиэтилен, 83 минг тонна полипропилен, 102 минг тонна пиролиз дистилляти ишлаб чиқариш имконияти вужудга келди. Бошқача айтганда, ер ости бойликларидан тўғри ва самарали фойдаланиш, улардан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, юзлаб ёшлар бандлигини таъминлашга пойдевор қўйилди.

— Бунёдкорлик жараёнида қатнашган ўн беш мингдан зиёд ишчи ва мутахассисларнинг деярли ярми маҳаллий йигит-қизлар эди, — дейди қўшма корхонанинг полипропилен йўналиши бўйича мутахассиси Парк Санк Жунг. — Қувонарлиси, Устюрт мўъжизасини шу заминнинг янги авлоди, бунёдкор фарзандлари яратди. Айниқса, Ўзбекистон ёшларининг эпчиллиги, кўплаб хориж тилларини билиши, янгиликни тез ўзлаштириши шахсан мени ҳайратга солди. Зеро, корхонада дунёнинг етакчи мамлакатларида ишлаб чиқарилган замонавий ускуналар ўрнатилган. Бундай мураккаб, компьютерлаштирилган технологияларни бошқариш эса осон эмас.

— Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда барча жабҳада асрларга татигулик ишлар амалга оширилмоқда, — дейди "Uz-Kor Gas Chemical" қўшма корхонаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Тўлаган Жўраев. — Устюрт газ-кимё мажмуаси бунга ёрқин мисолдир. Айтиш жоизки, 2014 йилнинг апрель ойида Президентимизнинг қурилиш майдонига ташриф буюргани бу ерда меҳнат қилаётган ҳар бир ишчи-ходимга жуда катта ғайрат-шижоат бағишлади. Бинобарин, ана шундай юксак эътибор ва ғамхўрлик туфайли мажмуа муддатидан олдин ишга туширилди. Жамоамизда меҳнат қилаётган мутахассислар Қашқадарё вилоятидаги Шўртан газ-кимё мажмуасида, шунингдек, Жанубий Корея, Франция, Германия, Бельгия, Буюк Британия, Швеция, Япония мамлакатларида махсус ўқув курсларида малака ва билимларини ошириб қайтди.



Шу ўринда Тошкент кимё-технология институтининг Қўнғирот сода заводи қошидаги махсус сиртқи бўлими ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш зарур. Чунки чўлдаги Элобод шаҳарчасида жойлашган мазкур таълим масканида Устюрт газ-кимё мажмуаси учун 2012 йилда юз нафар, 2013 йилда яна шунча талаба ўқишга қабул қилинди. Улар тез орада юқори молекулали бирикмаларни ишлаб чиқариш технологияси бўйича мутахассис бўлиб етишадилар.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга мамлакат сифатида жадал ривожланаяпти. Тараққиётнинг "ўзбек модели" асосида амалга оширилаётган ишлар юртимизни дунёга танитмоқда. Сурғил кони негизида йирик ва ноёб газ-кимё мажмуаси бунёд этилиб, фойдаланишга топширилиши эса ҳақиқий тарихий воқеадир.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Эзгулик ва шукроналик ифодаси

Тинч-осойишта юртда умргузаронлик қилиш, фарзандлар камолини кўриш инсон учун чинакам бахт. Шукрки, бугун биз ана шундай хотиржамлик ҳукмрон, пок ниятларимиз рўёбга чиқаётган диёрда яшаяпмиз.

## ДИЛ СЎЗИ

Бинобарин, истиқлол йилларида мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида эътиқод эркинлигини таъминлаш, миллий ва диний қадриятларни тиклаш ҳамда ривожлантириш, буюк аждодларимизнинг бой илмий ва маданий меросини ўрганиш, муқаддас қадамжоларни таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди ва бу борадаги саъй-ҳаракатлар изчил давом этмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 1 июндаги "Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида"ги қарори ҳам жамиятимиздаги эзгу қадриятларни янада юксалтиришда муҳим ўрин тутади. Зеро, Рамазон эзгу амаллар ойидир.

Халқимизнинг минг йиллар давомида шаклланган инсонийлик, меҳр-оқибат, ҳалоллик ҳамда мурувват сингари фазилатлари диний қадриятлар билан чамбарчас боғланган. Диёримиз азалдан инсоният тамаддуни, жумладан, ислом дини маданияти бешикларидан бири сифатида эътироф этилган. Бу заминдан етишиб чиққан Имом Бухорий, Имом Термизий, Бурҳониддин Марғиноний, Имом Мотуридий ва яна кўплаб буюк алломалар ёққан илм машъаласи аждодларимизнинг юксак салоҳиятидан далолатдир.

Ислом моҳиятан инсонпарварлик ҳамда бағрикенгликка, одамларни эзгуликка, тинчлик ва тотувликка чорловчи диндир. Зотан, унга кўра, инсон азизу мукаррам зот сифатида эъзозлангани ҳамда унинг маънавий камолоти энг юксак даражага қўйилишининг ўзиёқ бу фикрнинг яққол далилидир.

Маънавий ҳаётимизда алоҳида ўрин тутадиган муборак Рамазон ойида миллий қадрият ва анъаналаримиз, инсонпарварлик, бағрикенглик каби фазилатларимиз янада ёрқин намоён бўлади. Яъни бу кунларда эҳсон-саховатларни ҳар қачонгидан кўпайтириш, камхарж оилаларга, бемору ногиронларга ёрдам қўлини чўзиш, муҳтожлар ҳолидан хабар олиш фазилатли ҳамда савобли ишлардан саналади.

Юртимизда улуғ Рамазон ойининг кўнгилдагидек ўтиши, бу фурсатда ташкил этиладиган турли маросимларнинг янада файзли, дастурхонларимизнинг бундан-да баракотли бўлиши ҳар биримизнинг эзгу ниятларимиз ва саъй-ҳаракатларимизга боғлиқ эканлигини инобатга олсак, ушбу ҳужжатнинг аҳамияти ниҳоятда беқиёслигини англаб етамиз.

Ҳадемай, Ватанимиз мустақиллигининг қутлуғ йигирма беш йиллигини кенг нишонлаймиз. Бу вақт мобайнида Ўзбекистонимиз халқаро миқёсда ўзининг муносиб ҳамда мустаҳкам ўрнини эгаллаб, халқимизнинг турмуш даражаси, эл-юрт фаровонлиги янада равнақ топмоқда. Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан мусулмонларнинг диний маросимларини, ибодатларини эмин-эркин адо этишлари учун лозим бўлган барча шарт-шароит яратиб берилаётир.

Шуни фахр ила айтиш жоизки, муқаддас ой халқимиз фаровон ҳаёт барпо этиш борасида улкан натижаларни қўлга киритаётган бир шароитда кўтаринки руҳда кутиб олинмоқда. Бу мана шундай хайрли кунларда ҳар биримизнинг қалбимизда шукроналик ва шодумонлик туйғусини янада жўш урдириши, шубҳасиз. Инчунин, тинчлик-осойишталик, қўлга киритаётган бемисл ютуқлар халқимиз эришган энг улуғ неъмат — Истиқлол туфайлидир.

**Собир РУСТАМОВ,**
**Тошкент шаҳридаги**
**«Мунаввар қори»**
**жоме масжиди имом хатиби.**

**ТАЪТИЛ — 2016**

Мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунлариданоқ эртанги кунимиз эгалари бўлган ёш авлодни жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол этиб тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Буни болаларнинг ёзги дам олиши ва соғломлаштиришни ташкил этишга янгича ёндашувнинг ҳаётга татбиқ қилингани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Унга кўра, болалар оромгоҳлари нафақат жисмоний, шунингдек, фарзандларимизни маънавий-интеллектуал ривожлантиришга ихтисослаштирилган масканлар сифатида шакллантирилди.



# БАРЧА САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИМИЗ ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИ УЧУН

Мазкур йўналишдаги саъй-ҳаракатлар самарадорлигини оширишда, албатта, юртимиз оромгоҳларида болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш концепцияси дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Зеро, ушбу ҳужжат асосида оромгоҳларда болалар хавфсизлигини кафолатлаш, уларни малакали педагоглар ва тиббиёт ходимлари ҳамда барча турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш сифати янада яхшиланди.

Таъкидлаш ўринлики, болажонларимизнинг ёзги таътил дамлари завқли ва унутилмас таассуротларга бой тарзда кечишида Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 мартдаги қарорига асосан фаолияти йўлга қўйилган Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, уларни



амалга ошириш юзасидан тизимли назорат ва мониторингни таъминлаш бўйича Республика Мувофиқлаштирувчи гуруҳи ҳамда ҳудудий мувофиқлаштирувчи гуруҳлар ўрни ва аҳамияти салмоқли бўлмоқда. Улар томонидан тегишли вазирлик ҳамда идораларда тузилган ишчи гуруҳлар билан ижтимоий ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, бу амалда ўз самарасини бериб келаётгани барчага маълум.

Ўзбекистон бахтиёр болалар мамлакати сифатида халқаро майдонда бежиз эътироф этилмади. Буни оромгоҳлар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларда замонавий шарт-шароитларни яратиш орқали ўғил-қизларимизнинг янада мазмунли ҳордиқ чиқаришларини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларнинг кўлами йилдан-йилга кенгайиб бораётгани мисолида ҳам илғаб олиш қийин эмас. Гап шундаки, Ҳукумат томонидан тасдиқлаб келинаётган Манзилли дастурлар асосида ҳар йили Республика миқёсида 50 га яқин оромгоҳларнинг моддий-техника негизи мустаҳкамланмоқда. Масалан, 2012 йилдан буён 9 та оромгоҳ янгидан қурилди, 27 тасида реконструкция ишлари бажарилди, 45 таси капитал таъмирланди. Жумладан, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан Тошкент вилоятида “Ниҳол”, Навоийда “Ишонч”, Наманганда “Камалак” ва “Норин”, Самарқандда “Чорчинор”, Қашқадарёда Мирзо Улуғбек номли, Сурхондарёда “Хонжиза”, Хоразмда “Шодлик” оромгоҳлари ишга туширилди. Олмалиқ кон-металлургия комбинати саъй-ҳаракати билан Жиззахда “Истиқлол”, Ички ишлар вазирлиги томонидан Бўстонлиқ туманида “Оқтош”, “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамияти томонидан Жиззахда Амир Темур номли оромгоҳлар барпо этилди. Натижада улардаги ўринлар сони қарийб 5 мингтага ошди.

Жорий йилга мўлжалланган Манзилли дастурга мувофиқ, 41 оромгоҳда қурилиш-таъмирлаш юмушлари амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан Сурхондарёда “Бешбулоқ — Сурхон — Шеробод”, Хоразмда “Автомобилчи”, Давлат солиқ қўмитаси томонидан Тошкент вилоятида “Баркамол”, “Асака” банки томонидан “Асака” ва яна бир қатор оромгоҳлар қурилиб, ишга туширилди. Натижада оромгоҳлардаги ўринлар сони яна 450 тага ортди.

Мамлакатимизда янги мавсумга ҳам пухта ҳозирлик кўрилди. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг Республика оромгоҳларида болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш концепцияси асосида ихтисослаштирилган оромгоҳларни кўпайтириш ҳамда улар фаолиятини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Мавсум намунали ўтишида оромгоҳларда фаолият кўрсатадиган ходим ва мутахассисларнинг билим ҳамда малакаси муҳим омил ҳисобланади. Шу боисдан ҳам бу масалага жиддий ёндашилди. Яъни жорий йил бошиданоқ оромгоҳларда фаолият юритадиган ходимлар танлов асосида сараланиб, тегишли вазирлик ва бошқармалар қошидаги малака ошириш масканларида махсус тайёргарликдан ўтди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида “2016 йилги соғломлаштириш мавсумига тайёргарлик ва бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш” мавзуида ўтказилган ўқув-услубий семинарлар ҳам ана шу мақсадга қаратилгани билан муҳим аҳамият касб этди. Айни чоғда улар учун зарур бўлган ўқув-услубий қўлланмалар, тавсияномалар, болаларга мўлжалланган шеър ва қўшиқлар ёзилган дисклар жойларга етказиб берилди.

Болажонларимизнинг овқатланиш рациони, улар саломатлигини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш масалалари ҳам ташкилотчиларнинг доимий диққат-эътиборидадир. Бу йил ушбу йўналишда ҳам бир қатор янгиликлар жорий қилинди. Масалан, оромгоҳларда таом тури кўпайтирилади ва дармондориларга бой дамламалардан унумли фойдаланилади. Табиий равишда улар саломатлигини таъминлаш энг бирламчи вазифалардандир. Шу мақсадда бу мавсумда жойларга 3350 нафар малакали шифокор ҳамда ҳамшира, 400 нафардан ортиқ санитария-эпидемиология маркази мутахассислари жалб этилди. Дам олиш масканлари зарур дори-дармон ва зардоб воситалари билан тўлиқ таъминланди.

Бу йилги мавсумда жами 1204 та оромгоҳ фаолият кўрсатади, шундан 213 таси стационар, 851 таси кундузги, 140 таси меҳнат ва дам олиш оромгоҳларидир. Ушбу масканларда мавсум давомида 292 минг 46 нафар ўғил-қиз соғломлаштирилиши режалаштирилган бўлиб, бу ўтган йилдагига нисбатан соғломлаштириладиган болажонлар сони 5 мингтага ортганини кўрсатади.

Жорий йилги мавсум давомида ижтимоий ҳимояталаб ва боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларини қўллаб-қувватлаш изчил давом эттирилади. Жумладан, Оролбўйидан 4,5 минг нафар бола Тошкент шаҳри, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё ҳамда Тошкент вилоятларидаги сўлим ва баҳаво масканларда бепул дам оладилар. Бевосита касаба уюшмалари томонидан меҳнаткашларнинг 40 минг нафар фарзанди жамоа шартнома ҳамда келишувлари орқали бепул ва имтиёзли йўлланма билан таъминланади. Бундай имкониятдан Меҳрибонлик уйларининг 2 минг нафар тарбияланувчиси ҳамда жисмоний имконияти чекланган 50 нафар бола фойдаланади. Шунингдек, 2,5 минг нафарга яқин онаболалар касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда саломатлигини мустаҳкамлайдилар. Қолаверса, маҳаллаларда яшаётган кам таъминланган оилаларнинг 600 нафар фарзанди ва ота-онасиз болалар, Сариосиё ҳамда Узун туманларидан 100 нафар болажон бепул дам олиш имкониятига эга бўлишади.

Кундузги оромгоҳлар фаолиятини такомиллаштиришга ҳам алоҳида эътибор берилди. Яъни бундай оромгоҳлар фаолияти 15 августгача давом эттирилади. Уларда махсус дастурлар асосида болалар учун маданий-маърифий, спорт тадбирлари ўтказилади, турли тўгараклар фаолият юритади. Болалар бир маҳал иссиқ овқат билан таъминланади.

Маълумки, болалар оромгоҳларига 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўғил-қизлар жалб этилади. Ўсмир ёшдаги фарзандларимиз мазмунли ҳордиқ чиқаришини таъминлаш мақсадида эса меҳнат ва дам олдириш оромгоҳлари кўлами янада кенгайтирилмоқда. Бу масканларда академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ҳамда умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари дам оладилар. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, қатор вазирлик ва ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилаётган бу турдаги оромгоҳларда ўсмир ёшдаги ўғил-қизлар ўзлари қизиққан соҳалар бўйича дастлабки меҳнат кўникмаларига эга бўлиш билан бирга, ишлаб чиқариш амалиётини ўтайди. Улар учун маданий-маърифий тадбирлар ва спорт мусобақалари ҳам уюштирилади.

Болалар қизиқишларидан келиб чиқиб, ихтисослаштирилган оромгоҳлар фаолияти янада такомиллаштирилаётганини ҳам айтиш жоиз. Бу йилги мавсум давомида юртимиз бўйича 14 та интеллектуал ривожлантириш, 14 та экологик-биологик ва ўлкашунослик, 14 та бадиий ижодкорлик, 8 та ижтимоий-мослашув, 14 та техник ижодкорлик, 14 та ҳарбий-спорт оромгоҳлари фаолият олиб боради. Бундай масканларга болалар қизиқишлари ва дунёқарашларидан келиб чиққан ҳолда жалб этилади.

Масалан, бир неча йилдан буён “Қуёшли” оромгоҳида интеллектуал ривожлантириш оромгоҳи ташкил этилиб, унда “Билимлар беллашуви” ҳамда фан олимпиадалари ғолиблари бўлган 500 нафар бола ва улар устозларининг бепул дам олиши йўлга қўйилган. Касаба уюшмалари бу йил ҳам шу анъанани давом эттиради. Бу турдаги оромгоҳларнинг бошқаларидан фарқи шундаки, ушбу масканларда бир нечта фанлар, хорижий тилларни чуқурлаштирилган тарзда ўргатиш кўзда тутилган. Шу мақсадда болалар учун маҳорат дарслари, фан, адабиёт ва санъат намояндалари ҳамда ёзувчи ва шоирлар билан суҳбат, учрашувлар ўтказилади. Эътиборлиси, бундай оромгоҳлар барча ҳудудда ташкил этилади.

Оромгоҳларда тубдан янгиланган дастурлар асосида тарбиявий ишларни олиб бориш, болалар маънавиятини юксалтириш, дунёқарашини кенгайтириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган маданий-маърифий тадбирлар, акциялар ўтказилади. Хусусан, “Мустақиллик менинг тақдиримда”, “Ўзбекистон — бахтиёр болалар мамлакати”, “Касаба уюшмалари — болаларга” акциялари шулар сирасига киради. Ёзувчилар, санъаткорлар, спорт усталари, ёши улуғ инсонлар билан учрашув ҳамда давра суҳбатлари ташкил этилади. Ушбу тадбирлар Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллигига бағишланади. Бу орқали болаларда Ватанга ва миллий истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини кучайтириш мақсади мужассамдир.

Оромгоҳлар кутубхоналари Президентимиз асарлари, бадиий адабиётлар, зарур жиҳозлар, миллий истиқлол руҳи акс этган турли мавзудаги плакатлар, баннер ва байроқчалар билан бойитилган бўлиб, бу ҳам фарзандларимизнинг баркамол улғайишида муҳим аҳамият касб этади, албатта. Шунингдек, болаларга мўлжалланган 42 номдаги бадиий, ҳужжатли ва мультипликацион фильмлар намойиш этиб борилади.

Шуни ҳам айтиш зарурки, оромгоҳлар фаолиятини ўрганиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш бўйича олиб борилган таҳлиллар натижасида ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари учун болаларга мос қўшиқ, шеър ва мусиқаларга эҳтиёж мавжудлиги аниқланган эди. Шундан келиб чиқиб, жорий йилнинг февраль — апрель ойларида Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан болалар қўшиқлари, шеърлари ва мусиқаларини яратиш бўйича II Республика ижодий танлови ўтказилди. Энг сара асарлардан иборат махсус дисклар ҳар бир оромгоҳга етказиб берилди.

Умуман, болалар ёзги соғломлаштириш мавсумига Республика Мувофиқлаштирувчи гуруҳи томонидан пухта ҳозирлик кўрилди. Бу юрт келажаги бўлган фарзандларимиз мароқли ҳордиқ чиқариши, билим ва саломатлигини янада мустаҳкамлаб олишлари, қисқача айтганда, таътилни мазмунли ўтказишлари учун айни муддаодир. Вақти келиб, Ватан ардоғида камолга етган болаларимиз мамлакатимиз эришаётган ютуқлар салмоғини янада ошириши, унинг халқаро миқёсдаги нуфузини бундан-да юксалтириши, шубҳасиз.

**Танзила НАРБАЕВА,**
**Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш юзасидан тизимли назорат ва мониторингни таъминлаш бўйича Республика Мувофиқлаштирувчи гуруҳи раиси ўринбосари, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси.**

# Замонавий дизайн намойиши

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида “Болажонлар — ширинтойлар” анъанавий болалар мода фестивали бўлиб ўтди. “Осиё рамзи” Ўзбекистон дизайнерлар ва модельерлар уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда миллий ҳамда замонавий андозалар асосида кичкинтойлар, оналар, ҳомиладор аёллар учун тикилган либослар коллекцияси томошабинлар эътиборига ҳавола қилинди.

**ФЕСТИВАЛЬ**

Айтиш жоизки, мазкур фестиваль болалар учун ҳар жиҳатдан қулай кийим-кечаклар яратиш, шу билан бирга, модельер, рассом, дизайнер ва чеварлар ижодини қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Либослар намойишида “Томоша”, “Тантана” ва “Diamonds kids” болалар ижодий гуруҳлари ҳамда “Колибри” арт-бюроси мода мактабининг уч ёшдан ўн беш ёшгача бўлган 180 нафар тарбияланувчиси қатнашди.

Тадбир давомида 59 нафар дизайнер яратган, безак ва аксессуарлар билан уйғунлаштирилган кийимлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Хусусан, фестивалнинг биринчи кунида касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ўқувчилари ҳамда ҳаваскор рассомларнинг ижодий ишлари ҳавола этилган бўлса, кейинчалик малакали мутахассислар тақдимотлари ўтказилди.

Ғолибларга махсус сертификат ва эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, ҳакамлар ҳамда томошабинлар эътирофига сазовор бўлган болалар либосларининг дастлабки намуналари тўқимачилик ва тикувчилик корхоналарида ишлаб чиқариш учун тавсия қилинди.

**Мавжуда ХОЛМАТОВА.**

Мардлик ва жасорат, чаққонлик ҳамда моҳирлик, ғайрату шижоат инсонга ўзига хос кўрк бағишлайди. Шу боис ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик, онаюртга садоқат руҳида тарбиялаш жараёнида уларда ана шу фазилатларни камол топтиришга алоҳида эътибор қаратилади. Бунда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида ўтказиб келинаётган “Шунқорлар” ҳарбий-спорт мусобақасининг алоҳида ўрни бор.

# ЖАСУРЛИК, ЭПЧИЛЛИК ВА МАҲОРАТ

“Шунқорлар” ҳарбий-спорт мусобақаси ғолиблари ана шу мезонлар асосида аниқланди.

Кеча Жиззахда ушбу анъанавий беллашувнинг мамлакат босқичи якунланди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 14 жамоа таркибида 140 нафар навқирон авлод вакили иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Мудофаага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси каби қатор давлат ҳамда жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида уюштирилган тадбир аввалида Жиззах шаҳридаги Хотира майдонида “Мотамсаро она” монументи пойига гулчамбар қўйилди. Ватанимиз осойишталиги йўлида қурбон бўлганлар хотираси ёдга олинди. Шундан сўнг иштирокчилар Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти фаолияти билан танишдилар.

Танловнинг асосий баҳслари воҳадаги “Фориш” тоғдала ўқув майдонида бошланди. Жамоалар бу ерда 14 та шарт бўйича ўзаро беллашди. Ҳакамлар ҳайъати қатнашчиларнинг нафақат ҳарбий-спорт, балки ҳарбий-ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий билим ва маҳоратини ҳам синовдан ўтказдилар. Жумладан, автоматни қисмларга ажратиш ҳамда йиғиш, пневматик милтиқдан нишонга отиш, минг метрга югуриш, турникда тортилиш, граната улоқтириш, тўсиқлараро ўтиш, компас орқали белгиланган ҳудудни аниқлаш каби баҳслар, айниқса, муросасиз кечди.

— Ушбу мусобақа ёшларимиз ўртасида йилдан-йилга оммалашиб бормоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази бўлими бошлиғи Саъдулла Қурбонов. — Хусусан, ўтган даврда “Шунқорлар”да қатнашган ўқувчиларнинг аксарияти бугунги кунда Қуролли Кучларимиз сафида Ватан олдидаги йигитлик бурчини шараф билан адо этмоқда. Бу йилги мусобақаларга келсак, ғолиблик иштиёқидаги йигитларнинг аксарияти муддатли ҳарбий хизматга бориш ёки олий ҳарбий таълим муассасасида ўқиш истаги борлигини билдиришди. Шу маънода, Жиззахда ташкил этилаётган бу йилги беллашувлар ҳам ўғлонларимиздаги эзгу фазилатларни камол топтиришга хизмат қилади.

Якунда Наманган қурилиш ва дизайн касб-ҳунар коллежининг “Лочинлар” жамоаси шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. Жиззах давлат педагогика институти қошидаги 2-сонли академик лицейининг “Алпомиш” жамоаси иккинчи ўринга, Қорақалпоғистон Республикасининг “Амир Темур зурриётлари” жамоаси учинчи ўринга лойиқ, деб топилди.

Ғолиб ва совриндорлар тадбир ташкилотчилари томонидан муносиб тақдирланди.

**Абулқосим АҲМЕДОВ.**

**ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА**

*Бразилия иқтисодиётида охирги беш чоракда тўхтовсиз пасайиш кузатилмоқда.*

## Сурункасига бешинчи бор



Шу йилнинг биринчи чорагида ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг охирги ҳисобот даврига нисбатан 0,3 фоиз камайган. 2015 йил давомида мамлакат ялпи ички маҳсулоти 5,4 фоиз пасайган. Экспертлар бундай ҳолат шу йил охиригача давом этишини тахмин қилишаётир. Бу 1930-йиллардан кейинги энг чуқур таназзул ҳолатидир. Бундай пасайишга мамлакатда давом этаётган ижтимоий беқарорлик ва инқироз сабаб бўлаяпти, деб хабар берди “Евроньюс” телеканали.

## Саноатдаги сусткашлик

“Markit” компанияси томонидан ўтказилган тадқиқотга асосан, май ойи якунларига кўра, еврохудуд саноат секторидаги ишбилармонлик фаоллиги пасайгани маълум бўлди. Бу борада энг қуйи кўрсаткичлар Франция ва Грецияда кузатилган.



## Ҳаммасини сотиб олади

*Дунё бўйича автомобиль шиналари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган энг йирик “Bridgestone” (Япония) компанияси Франциянинг “Speedy” автосервислар тармоғига тегишли 100 фоиз акцияни сотиб олишини маълум қилди. Ўзаро келишув қиймати ҳозирча ошкор этилмаяпти.*

Айни пайтда Францияда “Speedy” тизимида 800 дан ортиқ техник марказлар ишлаб турибди. “Кунчиқар юрт” бренди томонидан киритилган инвестиция эса унинг фаолиятини янада кенгайтириш баробарида, япон шиналари савдо ҳажми ошишига ҳам ижобий таъсир кўрсатишига умид билдирилмоқда.

## Ўйинчилар ва жамоалар қиймати

*Футбол бўйича навбатдаги Европа чемпионати олдидан унда қатнашадиган ўйинчилар ва жамоалар нархи омма эътиборига ҳавола этилди.*

Аниқланишича, қитъа биринчилигининг энг қиммат юлдузи португалиялик Криштиану Роналду экан. Уни “Transfermarket” портали 110 миллион евро, дея “баҳолади”. Мазкур рақам Венгрия, Шимолий Ирландия ва Исландия терма жамоалари аъзолари биргаликда қўшиб ҳисоблаб чиқарилган қийматдан ҳам баландроқдир.

Энг қимматбаҳо терма жамоалар сифатида Испания, Германия, Франция эътироф этилди. “Евро — 2016”да иштирок этадиган барча чарм тўп устасининг умумий “баҳоси” эса 5 миллиард 220 миллион еврога тенг экан.

## Экологик тоза либослар

*АҚШнинг “Guess” компанияси томонидан экологик жиҳатдан тоза жинси либосларининг биринчи капсулали коллекцияси намойиш этилди.*



Ушбу тақдимот таркибидан коржомалар, кўйлаклар ва калта камзуллар жой олган.

Уларни яратишда махсус технология қўлланилди. Бу эса кимёвий моддаларни камроқ ишлатиш, сувдан тежаб фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнида атмосферага тарқаладиган зарарли моддалар ҳажмини озайтириш имконини берди. Эътиборлиси, барча кийим-кечак қайта ишланган пластик шишалардан тайёрланган.

## “Қаҳвачи” соат

*Буюк британиялик дизайнер Жош Ренуф томонидан ғаройиб хусусиятга эга соат яратилди. Бу ҳақида “Mashable” манбаси хабар берди.*

“Barisieur” номли механизм уй эгасини эрталаб уйғотиш учун жиринглаши баробарида, қайноққина хушбўй қаҳва ҳам “дамлаб беради”. Бунда соат устига ўрнатилган сув идиши, воронка ҳамда шишадан ясалган дастакли пиёла қўл келади. Уйқуга ётиш олдидан тегишли тартибда уларга сув, қаҳва, сут, шакар ва бошқа масалliқларни солиб қўйиш керак.

Мазкур инновация, айниқса, тонгги ширин уйқудан туришга қийналадиганлар учун айни муддао. Ахир ким ҳам тонгда иссиққина хуштаъм қаҳва ичишни истамайди, дейсиз!?

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

*Мамлакатимиз мустақиллигининг тобора яқинлашиб келаётган йигирма беш йиллик байрами юртдошларимиз кўнглига чексиз қувончу шодлик, ғурур ва ифтихор бахш этаётир. Негаки, чорак аср давомида эришган ютуқ ҳамда марраларимизнинг кўлами кенг, салмоғи беқиёс. Бу даврда амалга оширилган улкан ўзгариш ва янгиланишлар ҳаётимизга файзу барака олиб кирди. Кўплаб эзгу орзу-мақсадларимиз рўёбга чиқмоқда. Муҳими, янгича яшашни, янгича тафаккур қилишни ўргандик. Тинчлик, фаровонлик, истиқлол қадр-қимматини янада теранроқ англаб етдик.*

*Бугун қай бир соҳа, қай бир жабҳада бўлмасин, юқори ўсиш суръатлари кўзга ташланади. Иқтисодий салоҳиятимиз мустаҳкамланиши билан ижтимоий соҳадаги кўплаб масалалар ечимига йўл очилаётир. Пировардида аҳоли реал даромадлари йилдан-йилга кўпайиб, ҳеч кимдан кам бўлмаган муносиб турмуш кечиришимиз учун барча шарт-шароит ҳамда имкониятлар муҳайё этилаяпти. Буларнинг ҳаммаси Президентимиз раҳнамолигида узоқни кўзлаб олиб борилаётган оқилона сиёсат мевасидир.*

*Ўзбекистон банк тизимидаги ислоҳотларнинг туб мазмун-моҳияти ҳам инсон манфаатлари устуворлиги мезонига асосланади. Шу туфайли аҳолининг молия муассасаларига ишончи ортиб бормоқда. Ўз навбатида, мазкур соҳадаги муваффақиятларимиз халқаро миқёсда ҳам ўз эътирофини топаяпти. Хусусан, ўтган йилнинг октябрь ойида Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорацияси томонидан эълон қилинган бизнесни юритиш бўйича ҳисоботда Ўзбекистоннинг кредитлаш соҳасидаги рейтинг кўрсаткичлари 63 поғона кўтарилгани бунинг яққол тасдиғидир.*

## Ўзбекистон банк тизими:

# ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЁРҚИН САМАРАЛАРИ




**Лев ДОРФ,**
**"Moody's Investors Service" халқаро рейтинг агентлиги бош таҳлилчиси:**

— Агентлигимиз, олти йилдирки, юртингиз банклари фаолиятини барча йўналиш бўйича чуқур таҳлил қилиб, ўз рейтинг баҳосини бериб келмоқда. Бу жараёнда молия муассасаларингизнинг тўловга лаёқатлилиги, омонатчилар пул маблағларининг ишончли ва кафолатли сақланиши, капитали мустаҳкамланиб, активлари ошиши, кредит ажратиш шартлари ҳамда фоизлари, кадрлар сиёсати, мижозларга халқаро стандартлар даражасида хизмат кўрсатилиши каби омиллар алоҳида ҳисобга олинаяпти. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон банк тизими улкан ресурс базасига эга. Бу борада тақчиллик юзага келмаслиги учун зарур барча чора-тадбир амалга оширилган. Мижозларга интерактив хизматлар кўрсатиш, бизнеснинг корпоратив, чакана ҳамда инвестициявий йўналишларини кенгайтириш устувор вазифага айлангани ҳам таҳсинга лойиқ жиҳатлардир.

Тажрибадан маълумки, банк ва мижоз ўртасидаги ўзаро ишонч, тенг манфаатли муносабатлар депозит сиёсати муваффақиятларининг пойдеворидир. Чунки аҳоли ўз маблағларини омонатга қўйиш юзасидан қарор қабул қилаётганда, энг аввало, молия муассасасининг ишончлилиги, устама фоиз даражаси, мижозларга хизмат кўрсатиш сифати билан боғлиқ омилларга эътибор қаратади. Бу борада юртингизда олиб борилаётган кенг қамровли ишлар эътирофга арзийди.

"Ипотека-банк" — юксак салоҳиятли молия муассасаларидан бири. Таҳлил жараёнида амин бўлдикки, унинг асосий стратегияси мижозлар ишончини қозонишга қаратилган бўлиб, кадрлар сиёсати тўғри юритилаётгани туфайли молиявий хизматлар бозорида ўз мавқеини мустаҳкамлашга эришаяпти. Рейтинг хулосасида мазкур муассасанинг корпоратив ҳамда чакана молия бозоридаги улуши акс эттирилган. Бу "Ипотека-банк"нинг активлар миқдори бўйича республикангизда етакчи ўрин эгаллаши, даромадлари барқарорлиги ва капиталлашув даражаси етарлилигини англатади. Қисқача айтганда, даромадлар диверсификацияси, активларнинг юқори сифати ҳамда молиялаштиришнинг барқарор манбалари, ажратилган кредитлар устидан доимий мониторинг ўтказилиши ушбу банк рейтингининг "Барқарор" истиқболига эга бўлишини таъминламоқда.

Албатта, бундай ижобий натижалар ҳақида гап кетганда, Президент Ислом Каримов томонидан соҳа ривожи йўлида белгилаб берилган чора-тадбирлар дастуриламал бўлаётганини таъкидлаш ўринлидир. Шуларни инобатга олган "Moody's" халқаро рейтинг агентлиги Ўзбекистон банк тизимини "Барқарор" рейтингига муносиб, деб топди. Бу эса энг ҳаққоний баҳодир.



**Роман КОРНЕВ,**
**"Fitch Ratings" халқаро рейтинг агентлиги бош таҳлилчиси:**

— Жаҳон бозорида ҳали-ҳануз давом этаётган молиявий инқироз кўплаб мамлакатлар иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бу эса, ўз навбатида, банк тизимининг катта миқдорда зарар кўришига ёки олаётган фойдаси бир неча баробар камайиб, охир-оқибатда капиталлашув даражаси кескин пасайишига сабаб бўлаётир. Мазкур ҳолат, айниқса, ташқи қарзларга таяниб қолган давлатларнинг молиявий хизматлар бозорида кўплаб муаммоларни юзага келтираяпти.

Шу жиҳатдан ёндашганда, юртингиз банк тизимидаги ислоҳотлар ва уларнинг самарасини юқори баҳолаймиз. Ишонч билан айта оламизки, Ўзбекистон молия муассасалари фаолияти халқаро андозаларга тўлиқ жавоб беради. Бу, биринчи навбатда, мижозлар ишончини оқлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Натижада тизимда пухта ўйланган кредит сиёсати юритилиб, сармоялар ажратиш тартиб-таомиллари соддалаштирилиши баробарида, йиллик фоиз ставкалари мақбуллаштирилаяпти.

Молиявий кўрсаткичлар таҳлилига қараганда, мамлакатингизда тижорат банклари барқарорлиги сезиларли даражада ошган. Жумладан, 2015 йил давомида молия муассасаларингиз етарлилик даражаси таваккалчилик ҳисобга олинган активларга нисбатан 23,8 фоизни ташкил этди. Бу қабул қилинган халқаро меъёрдан деярли 3 баробар юқори. Банк тизими ликвидлиги эса 64,6 фоиздан иборат бўлди. Қўлга киритилган ижобий натижалар республикангиз банк тизимининг халқаро молия бозоридаги нуфузи бундан-да юксалишига хизмат қилмоқда.

Тижорат банкларингизнинг жами активлари ҳамда кредит портфелининг юқори суръатларда ўсиши, асосан, ички захиралар ва манбаларни кенгроқ жалб этиш эвазига таъминланаяпти. Охирги беш йил давомида шу асосда ажратилган кредитлар улуши 4,2 баробар ошгани сўзимизга ёрқин мисол бўла олади. Ҳозир уларнинг тижорат банклари умумий кредит портфелидаги миқдори 86 фоизга тенг.

Айтиш жоизки, жорий йилнинг ўтган ойлари давомида Ўзбекистон банкларида 2015 йилнинг шу давридагига нисбатан 30 фоиздан кам бўлмаган миқдорда ўсиш суръатлари кузатилди. Бу банк тизими олдига қўйилган устувор вазифалар, белгиланган параметр кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раҳбарияти томонидан тўлиқ бажарилаётганидан далолат беради.

Демак, Ўзбекистон банк тизими фаолияти барқарор ҳамда кафолатли, дейишга етарли асослар бор.

**Дипак РЕЙНА,**
**хорижий инвестор (Сингапур):**

— Бир неча йилдан буён Ўзбекистонда самарали фаолият юритаяпмиз. Бунда диёрингизда хорижий сармоядорлар учун яратилган қулай инвестициявий муҳит ҳал қилувчи омил бўлмоқда. Банк тизимининг такомиллаштирилаётгани даромадларимиз кўпайишини кафолатлаётир. Масалан, тўлов амалиётлари бажарилишида ҳеч қандай муаммога дуч келганимиз йўқ. Барча банк операцияларини офисимиздан туриб, "Банк — мижоз" дастури асосида амалга ошираяпмиз. Бу орқали вақт ва ортиқча сарф-харажатлар тежалмоқда. Ўтган даврда молия муассасаси билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйганимиз туфайли бир неча бор кредит олиб, фаолиятимизни кенгайтирдик. Муҳими, ажратилаётган сармояларнинг фоиз ставкалари бизга жуда маъқул.

**Гулчеҳра ШУКУРОВА,**
**"Jamshid Javohir Agrotex" масъулияти чекланган жамияти раҳбари (Бухоро вилояти):**

— Пухта бизнес-режа тадбиркорликнинг муҳим шарти бўлса, сармоя уни ҳаракатлантирувчи кучдир. Бу борада мамлакатимизда биз, ишбилармонларга яратилган имконияту имтиёзлар кўлами кенг. Истиқболли лойиҳаларимиз молия муассасалари ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланаяпти.

Корхонамиз фаолияти мисолида айтай. Иш бошлаганимиздан буён кўп вақт ўтмаган бўлса-да, ҳозир ишлаб чиқариш кўрсаткичларимиз ҳавас қилгулик даражада. Жамоамиздаги 35 нафардан зиёд ишчи-мутахассиснинг 15 нафари касб-ҳунар коллежлари битирувчисидир. Улар саъй-ҳаракати билан махсус ишчи кийимлари, чойшаблар ва бошқа трикотаж ашёлари ишлаб чиқараяпмиз. "Ипотека-банк"нинг Бухоро вилояти филиали томонидан ажратилган 265 миллион сўм миқдоридаги сармоя эвазига табиий хом ашёдан болалар либослари тикишни йўлга қўйдик. Айни пайтда бир кеча-кундузда 200 донадан зиёд, 15 миллион сўмлик маҳсулотлар тайёрлаяпмиз.

Ютуқларимиз республика миқёсида эътироф этилиб, оммалаштирилаётгани қувонарлидир. "BankExpo" кўргазмаси доирасида ўтказилган "Аёл тадбиркорлар томонидан амалга оширилган энг яхши лойиҳа" номинациясида ғолиб бўлиб, имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини қўлга киритдик. Келгусида мақсад-режаларимиз бисёр. Жумладан, 4 гектар майдонда иссиқхона ташкил қилиб, 50 та иш ўрни яратишни мўлжаллаяпмиз. Бунда молиявий ҳамкоримиз — "Ипотека-банк" сармояларига таянамиз.

**Собир ҲАЙДАРОВ,**
**"Нодирабегим" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси (Бухоро вилояти):**

— Кейинги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ҳамда ободончилик ишлари натижасида шаҳару қишлоқларимиз кўркам қиёфа касб этмоқда. Муҳташам иморатлар қад ростлаб, замонавий инфратузилма иншоотлари бунёд этилаётир.

Корхонамиз ана шундай уй-жойлар эгаларига намунали коммунал хизматлари кўрсатишга ихтисослаштирилган. 2005 йилдан буён "Ипотека-банк" мижозимиз. Тураржойлар атрофини кўкаламзорлаштириш, иссиқлик тармоқларини янгилаш мақсадида мазкур молия муассасасидан 235 миллион сўм миқдорида кредит олгандик. Ушбу сармоя эвазига кўп қаватли бинолар олдида қўшимча равишда 4 та болалар майдончаси барпо қилинди. Йигирмадан ортиқ уйларнинг кириш йўлакларига замонавий қулфли эшиклар ўрнатилди. Бу борадаги изланишларимиз анъанавий "BankExpo — 2016" кўргазмасида "Уй-жой мулкдорлари томонидан амалга оширилган энг яхши лойиҳа" номинацияси ғолиби, деб топилди. Натижада имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатга эга бўлдик. Эндиликда банк молиявий кўмагида бунёдкорлик ишлари кўламини янада кенгайтиришни мўлжаллаб турибмиз.

**Собир ЙЎЛДОШЕВ,**
**"Каттақўрғон Жайҳун" агрофирмаси раҳбари (Самарқанд вилояти):**

— Юртимизда аҳолининг сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб ва эҳтиёжини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда қишлоқ хўжалиги неъматларини етиштириш давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланиб, асаларичилик, чорвачилик, балиқчилик каби сердаромад тармоқлар изчил ривожлантирилаётир.

Биз ҳам жамоамиз аъзолари билан аҳоли фаровонлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиш борасида изланишлар олиб бораяпмиз. Шу мақсадда балиқ чавақлари етиштиришга доир бизнес лойиҳа тузиб, ҳудудимиздаги Оқдарё сув омбори билан шартнома имзоладик. Уни амалга оширишда жорий йилнинг март ойида "Ипотека-банк"нинг Самарқанд филиали томонидан ажратилган 100 миллион сўм миқдоридаги кредит қўл келди. Ушбу маблағ эвазига озуқа ҳамда махсус жиҳозлар харид қилдик. Эндиликда Хитойдан илғор инкубация ускуналарини олиб келмоқчимиз. Бу орқали зоғора, дўнгпешона, оқ амур, Африка лаққаси каби балиқ турларидан яримтайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Шунингдек, келгусида наслли чорва молларини кўпайтириш ва иссиқхона хўжалиги ташкил этишни мақсад қилганмиз. Ана шу режаларимиз тўлиқ амалга ошгач, аҳолига сархил неъматлар етказиб беришга киришамиз. Ўз навбатида, ўнлаб қишлоқ ёшлари доимий даромад манбаига эга бўлади. Бу борада яқин кўмакчимиз — "Ипотека-банк" сармояларидан самарали фойдаланамиз. Зеро, ушбу молия муассасаси тадбиркорларнинг ишончли ҳамкорига айланиб бормоқда. Мижозлар манфаатини кўзлаб жорий этилаётган янгидан-янги хизмат турлари эса оғиримизни енгил, узоғимизни яқин қилаётир. Биз бундан жуда миннатдормиз.

**Фарҳод ЭРНАЗАРОВ,**
**"Nutri farm shifo servis" масъулияти чекланган жамияти раҳбари (Қашқадарё вилояти):**

— Аҳоли саломатлиги — устувор мезон. Шу боис истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш муассасалари фаолияти босқичма-босқич такомиллаштириб борилаяпти. Замон талабларига мос шифо масканлари бунёд этилиб, энг сўнгги русумдаги тиббиёт ускуналари билан жиҳозланмоқда. Пировардида жойларда турли касалликларнинг олдини олиш, уларга аниқ ҳамда тезкор ташхис қўйиш ва самарали даволаш имкониятлари кенгаяётир. Бинобарин, аҳолининг тиббий маданияти юксалиб, оилаларда соғлом турмуш тарзи шаклланаяпти.

Мана, 2016 йил мамлакатимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилинди. Шу муносабат билан ишлаб чиқилган Давлат дастурида даволаш муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан қатор чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган. Биз ҳам ана шундай вазифалар ижросига муносиб ҳисса қўшишни мақсад қилганмиз.

Айтиш жоизки, барча соҳа қатори тиббиёт тизимида ҳам хусусий сектор иштироки тобора кенгайиб бормоқда. Натижада соҳада соғлом рақобат муҳити юзага келаяпти. Бизнинг мазкур йўналишда ишлаб чиққан лойиҳамиз "Ипотека-банк"нинг Қашқадарё вилояти филиали мутасаддиларига маъқул тушди. Кўп ўтмай, 150 миллион сўм миқдорида кредит маблағи ажратилди. Ушбу сармояни энг сўнгги русумдаги тиббиёт ускуналари харидига йўналтирдик.

Муассасамиз, асосан, неврология хасталикларини даволашга ихтисослаштирилган. Шунга қарамай, кейинги пайтларда одамлар ўртасида йод етишмовчилиги билан боғлиқ касалликлар кўпайишини ҳисобга олиб, мазкур йўналишда ҳам фаолият олиб бораяпмиз. Жамоамиз сафида олий тоифали шифокорлар билан бир қаторда, тиббиёт коллежини тамомлаган иқтидорли йигит-қизлар ҳам бор. Кўрсатилаётган хизмат сифати яхшиланаётгани боис, турли ҳудудлардан мурожаат қилувчилар сони кўпаймоқда. Умуман, ўтган йилнинг март ойидан йил охиригача муолажаларимиздан 300 нафардан зиёд бемор баҳраманд бўлди. Қолаверса, қариялар ҳамда ногирон болаларга бепул хизмат кўрсатишни йўлга қўйдик.

Яқин истиқболда фаолиятимизни янада кенгайтириб, шошилинч тиббий хизмат кўрсатишга мўлжалланган автомашина сотиб олмоқчимиз. Ҳозир шу йўналишда бизнес-режа тузаяпмиз. Уни "Ипотека-банк" кредитлари орқали рўёбга чиқариш ниятидамиз.

**Зоҳиджон ТОҲИРОВ,**
**"Миробид текстиль" масъулияти чекланган жамияти раҳбари (Наманган вилояти):**

— Бозор талабларига тезкорлик билан мослашиш, янги технологияларни жорий этиш, қўшимча иш ўринлари яратишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг имкониятлари катта. Бугун мамлакатимиз истеъмол бозорида эҳтиёж юқори бўлган маҳсулотларнинг асосий қисми мазкур соҳа вакиллари томонидан ишлаб чиқарилаётгани, муҳими, уларнинг аксарияти рақобатдош, жаҳон андозаларига жавоб бериши бунинг тасдиғидир.

Албатта, хусусий сектор истиқболини сармояларсиз тасаввур этиш мушкул. Юртимиздаги молия муассасалари бу борада ишбилармонларнинг ишончли ҳамкори, яқин кўмакчисига айланиб бораётгани қувонарлидир.

Иш бошлаганимизга, ҳадемай, етти йил тўлади. Ўтган даврда фаолиятимизни тўлиқ оёққа қўйиб олдик. Ишимиз юришиб кетди. Даромадимиз ортди. Ҳозир, асосан, нотўқима матолар, сочиқлар ишлаб чиқариб, экспорт қилаяпмиз. Муваффақиятларимизда эса "Ипотека-банк" Наманган вилояти филиалининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Негаки, ўтган йили молия муассасаси томонидан ажратилган 1 миллиард сўмликдан зиёд кредит фаолиятимизга унум бағишлади. Мазкур сармоя ҳисобига Хитой давлатидан нотўқима матоларни тайёрлашга мўлжалланган ускуналар сотиб олдик. Айни пайтда кунига 30 минг метрдан ортиқ ана шундай маҳсулот ишлаб чиқариб, буюртмачиларга етказиб бераяпмиз. Қолаверса, 100 килограммдан зиёд миқдордаги сочиқларимиз ҳам харидорларга манзур бўлмоқда. Бунда жамоамизда меҳнат қилаётган 35 нафардан ортиқ ишчи-мутахассисларнинг ҳиссаси катта.

**Соатмурод ҚУРБОНОВ,**
**Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармаси бўлими бошлиғи:**

— Вилоятимиз тадбиркорлари эришаётган ютуқларда тижорат банкларининг хизмати беқиёс. Чунончи, кейинги олти йил давомида биргина Термиз шаҳрида истиқболли лойиҳалар ижроси учун 658 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди. Шундан 253 миллиард сўми озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, 225 миллиард сўми хизмат кўрсатиш соҳасига йўналтирилди. Бундан ташқари, 247 миллиард сўмлик сармоялар эвазига 6 мингдан зиёд опа-сингилларимиз ўз бизнесини йўлга қўйишга муваффақ бўлди.

Айни пайтда вилоятимизнинг олис ва чекка ҳудудларида банк тизими ходимлари томонидан амалий учрашувлар ўтказилиб, юртимизда хусусий сектор вакиллари учун яратилган имтиёзлар, соҳага доир қонунчилик асослари ишбилармонларга кенг тушунтирилаётир.

Умуман олганда, Сурхондарё вилоятининг юртимиз банк тизимидан кўнгли тўқ. Бу аҳолининг молия муассасаларига ишончи ортаётганидан далолатдир.

Албатта, тезкор, қулай ҳамда кафолатли хизмат — банклар фаолиятидаги энг устувор мезондир. Қолаверса, мижозлар эътиборини қозониш ва ишончига сазовор бўлишнинг асосий талаби ҳам — шу! Буни инобатга олган банк тизими ходимлари ишбилармону тадбиркорлар билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаб, уларнинг истиқболли лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш, аҳолига замонавий банк хизматларини таклиф этиш пайидан бўлмоқда. Пировардида молия муассасалари маблағидан оқилона фойдаланиб, ўз бизнесини йўлга қўяётган юртдошларимиз иқтисодиётимиз ривожига ҳисса қўшишга ҳаракат қилишаётир. Зотан, ҳаракат бор жойда иш кўлами ҳам кенгайиб бораверишии турган гап.

**«Ипотека-банк» материаллари асосида Ф. БЎТАЕВ тайёрлади.**

РЕКЛАМА ЎРНИДА

*Хизматлар лицензияланган.*

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 667. 113 851 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона (0-371) 233-52-55;*
*Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.*

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — А. Султонов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.25 Топширилди — 22.55 1 2 3 4 5 6